



# АЛИШЕР НАВОИЙ ВА XXI АСР

Халқаро илмий-назарий анжуман  
Тошкент, 2019 йил, 9 февраль

МАХАММАДИЕВА Юлдуз. Навоий ва Феруз.....	438
МАДИРИМОВА Соҳиба. Мутриб ижодида Навоий анъаналари.....	440
МАНСУРОВА Малика. “Ишқ ичра жунун анинг сифоти...”.....	441
МУРТАЗОЕВ Бобоназар. “Насойим ул-мухаббат” ва “Нафаҳот ул-унс” қиёсига доир.....	443
МУҲАММАДИЕВА Дилафруз. Навоий ва Бобур ижодининг Туркияда ўрганилиши.....	444
МАЛИКОВА Ситора. Алишер Навоий чистон устаси.....	445
НОРҚУЛОВА Шаҳноза Алишер Навоий талқинида адаб.....	447
НИЗОМОВ Фарҳод. “Сабъан сайёр” достонида қаҳрамонлар руҳиятининг рақамларда акс этиши... 449	449
ПРИМОВ А., ХУДОЙҚУЛОВА Ш. Халқ оғзаки ижодида Алишер Навоий образи.....	451
РАҲИМОВА Гулбаҳор. Субҳи саодат узра давлат шомидур.....	454
РАҲИМОВ Комилжон. Бухорода битилган тасаввуфга онд назарий манбанинг «Насойим ул-мухаббат»га таъсири.....	456
РАЖАБОВ Фаҳриддин. Алишер Навоий адабий меросининг “Ғаройибат” асари бадиятини шаклланишидаги ўрни .....	458
РАҲМОНОВА Шаҳноза. Чустийнинг Навоийга боғлаган тахмиси.....	460
РУЗМЕТОВ Шаҳзодбек. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” ва “Сабъан сайёр” дostonларида Абдурахмон Жомий таърифнинг қиёсий таҳлили.....	462
САРИБОЕВА Мақсуда. Буюк сўз соҳири.....	464
СУЛАЙМАНОВА Лола. А.С.Пушкин и А.Навои.....	466
САФАРОВА Ҳ., РАЖАБОВА М. Навоий ва Фурқат.....	467
ТИЛЛАЕВА Гулсанам Алишер Навоий асарларида илм-фанни улуғлаш.....	470
ТЎРАЕВА Дилноза. Тарихий романларда Алишер Навоий образининг бадий талқини.....	471
ТЎХТАМУРОДОВ Фурқат. “Хамса” образлари Муҳсиний талқинида.....	473
УМАРОВ Сардорбек. Фаррух ва Ахий хикоятида футувват талқини.....	475
ФАЙЗУЛЛАЕВА Севара. АЗИМОВА Гулбаҳор. Шоҳ ва дарвеш ҳикмати.....	478
ҲЎЖАЕВ Тоҳир. Навоий ғазалларида дунё ва олам ҳақидаги қарашлар талқини.....	479
ХОЛДОРОВ Дилмурод. Навоий анъаналари барҳаёт.....	481
ХОЛИЁРОВ Мурод. Алишер Навоий ва мусиқа санъати.....	483
ХУДАЙБЕРДИЕВ Акрам. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида эзотерик воқеликка интилиш комилликка эришишнинг шarti сифатида.....	484
ЧОРИЕВА Муротой. Ҳазрат Навоий қитъаларига баъзи шарҳлар .....	486
ШОДИЕВ Одилжон. Комил инсон ғоясининг Мажнун образидаги акси.....	478
ШОКИРОВА Дилбархон. Алишер Навоий асарларини умумий ўрта таълимда ўқитиш муаммолари.....	490
ШАРИПОВА Лайло. Алишер Навоий ғазалиётида оддий фолклоризм.....	492
ЮСУБОВА Умида. Алишер Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати.....	493
ЮЛДАШЕВА Гуландом. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди канадалик олима Мариа Эва Субтелни нигоҳида.....	495
ҚОДИРОВА Насима. “Хамса” – маҳобатли тоғ (Навоийшунос олим талқинлари).....	498
ҚАЮМБЕРДИЕВА Нуржасон. “Бадое ул-бидоя” девонидаги фардлар бадияти.....	501
ҚОРАЕВ Шерхон. Мирзо Улугбек адабий мажлислари.....	501
ҚУВВАТОВА Д., СОҲИБОВА З. Алишер Навоий ғазалларида бахор ва куз фаслларининг рамзий-гимсолий талқини.....	503
ҒИЁСОВА Ҳилола. “Назм ул-жавоҳир”нинг яратилиш тарихи, ўрганилиши.....	505
ҲАКИМЖОНОВА Раъно. Навоий ижодида етакчи мотив.....	506
ҲАЙИТОВ Шавкат. Тарикат мақоми талқинида ояти кариманинг ўрни.....	509
	511

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мерос, 2002.
2. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том. Насойимул-муҳаббат. (Намурга тайёрловчилар: С.Фаниева, М.Мирзааҳмедова) –Тошкент: Фан, 2001.
3. Shuhrat Sirojiddinov, Dilnavoz Yusupova, Olimjon Davlatov. Navoiyshunoslik (matn) Q.1. dar'slik. –Toshkent: TAMADDUN, 2018.
4. Чомӣ Абдурахмон. Осор: Иборат аз ҳашир чилд. Чилди 8. – Душанбе: Адиб, 1990.

## НАВОИЙ ВА БОБУР ИЖОДИНИНГ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ

МУҲАММАДИЕВА Дилафруз  
ТошДУТАУ  
(Ўзбекистон)

Жаҳон адабиётида ўзбек адабиётининг йирик вакиллари, бир асрнинг икки даҳо шоирлари: Мир Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур ижодига доир амалга оширилган тадқиқотлар кўлами шу қадар кенги, улар орасида туркиялик олимлар томонидан бажарилган илмий ишларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Туркияда Навоий ва Бобур ижодини ўрганиш, асарларининг қўлёзма нусхалари асосида таржима нашрларини тайёрлаш, айниқса, шоир асарларининг тил хусусиятларига доир қатор тадқиқотлар бажарилган. Бир сўз билан айтганда, Туркияда навоийшунослик ва бобуршунослик соҳалари алоҳида ўрин тутди. Бу ҳамкорлик йиллар мобайнида ривожланиб борди. Ҳатто собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида ҳам мазкур ҳамкорлик асло тўхтаб қолгани йўқ. Бу таҳликали дамларда ҳам Навоий ва Бобур ижоди икки халқни доимо бирлаштириб, ўзаро дўстлик ҳамда қардошлиқ ришталарини табора мустаҳкамлади.

Турк олимлари Фуад Кўпрулу, Рашид Раҳмати Орат, Камол Эраслон, Билол Южел, Али Фуад Билкан, Танжу Орал Сейҳан, Фарух Темуртош, Нажи Тухмак, Ҳанифа Гезер, Хусайн Ўзжан, Иброҳим Кафесўғлу каби ўнлаб олимлар бу икки буюк шоир асарларининг қўлёзма манбалари асосида қатор таржима нашрларини тайёрлашдек шарафли ишга ҳисса қўшдилар. Бу каби таниқли турк олимларининг Навоий ва Бобур ижоди билан боғлиқ тадқиқотлари нафақат турк, балки ўзбек тили ва адабиёти ривожини учун ҳам жуда муҳимдир.

Туркияда Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳақида сўз борганда таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Камол Эрасланиннг хизматларини тилга олиш жоиздир. Алишер Навоийнинг «Мезон-ул авзон», «Мажолис-ун нафис».

«Насойим-ул мухаббат» сингари асарлари матни ва тилига доир амалга оширган илмий-ноширлик тадқиқотлари Навоий ижодий меросини ўрганишда қимматли манбалардан бўлиб кел-моқда. Туркияда Навоий ижодини ўрганиш тарихида Ф.Кўпрулининг «Алишер Навоий», Ханифа Гезернинг «Мажолис-ун нафоис» асари қўлёзма нусхалари таҳлилига бағишланган тадқиқоти, Хусайн Ўзжаннинг «Туркий халқларнинг энг буюғи Алишер Навоий» номли асарларининг ҳам аҳамияти каттадир.

Турк адабиётида Навоий ва Бобур ижодига бўлган қизиқиш муҳим ўринга эга. Маҳалан, Бобурнинг «Бобурнома», «Бобур девони», «Рисолайи волидийя», «Мубаййин» асарларининг таржима нашрларидан ташқари турли йилларда шоир асарлари, хусусан, «Бобурнома»нинг соҳалар ривожини, фанлар тараққиётидаги ўрни борасида қатор илмий асарлар, диссертатсия ва рисолалар ёзилди. Уларда Бобурнинг илмий ва бадний баркамол асарлари ва жаҳон маданияти тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси борасида кенг мушоҳадалар юритилди. Жумладан, Али Алп Арслон «Хатти Бобурий ва унда ёзилган Қуръон» (1976), Масъуд Шен «Бобурнома»нинг Кобул ва Ҳиндистон бўлимларига оид» (1993), Хусайн Байдемир «Бобурнома»да фолклоризм ва этнографик унсурлар» (2010), Воҳид Турк «Бобур девони»нинг тил хусусиятлари» (2012), Неъмат Жейлан «Бобур асарларида қўшма сўзлар» (2007), Арзу Екилмаз «Бобурнома» да феъл сўз туркумлари тадқиқига доир» (2014), Дуйгу Кожа «Бобурнома» тил хусусиятлари ва луғати» (2013) каби қатор тадқиқот ишлари бажарилди.

Умуман олганда, турк адабиётида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларнинг кўлами кенгдир. Аммо Навоий ва Бобур асарлари матнини, гоёси ва мазмуни, бадияти ва тилига доир олиб борилган бу каби тадқиқотларни қиёсий ўрганиш, ҳар бир туркча манбани компонент таҳлил қилишэтиш орқалитаржима матни ва тилига доир ютуқ ва камчиликлар аниқлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Kemal Eraslan. *Alisher Navoi'i. Mizânu'l-evzân. Atatürk Kültür, Dil ve Tarih Yüksek Kurumu.* – İstanbul, 1993.
2. Kemal Eraslan. *Nesâyimü'l-mahabbe min şemâyimi'l-fütüvve: doktora tezi.* – İstanbul: Edebiyat Fakültesi Basımevi, 1979.
3. Faruk K. Timurtash. *Alisher Navoi'nin Türk Diline Hizmetleri.* – İstanbul, 1962.
4. Kafesog'lu, İ. «Ali Şir Nevai Devri Tarihine Bir Bakış», *Ali Şir Nevai – Hayatı ve Eserleri.* İstanbul: Doğu Türkistan Göçmenler Cemiyeti Neşriyatı, 1962.
5. Karaörs, M. «Nevadirü's – Şebab Ali Şir Nevai'nin İkinci Divanı», *Ali Şir Nevai'nin 560. Doğum, 500. Ölüm yıl Dönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri.* Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 2001.
6. Gazi Zahirüddin Muhammed Babür, *Vekayi (Babür'un Haturatı).* – Ankara, 1987.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент.: Шарқ НМАК, 2014. – Б. 743.
8. Ҳайитов Ш.М. Бобур ижодининг хоризжда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили) PhD автореферат, – Тошкент. – 2018, – Б. 52.
9. Интернет материаллари.